
DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

DEMOGRAPHCY
AND LABOR ECONOMICS



V
SON

2026

Elektron ilmiy-ommabop jurnal

(+998) 50-005-45-69
https://t.me/demografiya_mehnatbozori
demografiya_mehnat_bozori@mail.ru

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

2026-yil
5-son

Elektron ilmiy-ommabop jurnal
Электронный научно-популярный журнал
Electronic popular science journal

BOSH MUHARRIR:
Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:
Bahriddinova Muazzam Azam qizi

TAHRIR HAY'ATI:
Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,
Axmedov Durbek Qudratillaevich, i.f.d., professor
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.,
Zokirova Nodira Qalandarovna, i.f.d., prof.,
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,
Mamadaliyeva Xafiza Xoldarovna, i.f.d., prof.,
Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,
Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,
Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,
Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, g.f.d., professor
Isayev Faxriddin Ikramovich, i.f.d., prof.
Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor
Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor
Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)
Ibragimov Lutfullo Ziyadullayevich, DSc., professor
Qurbonov Paxlavon Rustamovich, DSc, dotsent
Shakarov Zafar Gaffarovich, PhD, dotsent
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li, PhD
Hamrokulov Mirabbos Ortiqovich, PhD
Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li, PhD
To'xtayeva Xurshida Farxodovna, PhD

MUNDARIJA

Umurzakov Bahodir Hamidovich
O‘zbekiston aholisining 2050-yilgacha demografik rivojlanish konsepsiyasi: ustuvor muammolar va maqsadli ko‘rsatkichlarni baholash..... **3**
Mamadaliyeva Xafizaxon Xoldarovna, Bahriddinova Muazzam Azam qizi
Reproduktiv jarayonlardagi demografik paradokslar va ularning raqamli transformatsiya sharoitida namoyon bo‘lishi: O‘zbekiston uchun dalillar va tadqiqot modeli..... **14**
Xamdamov Shoh-Jaxon Raxmat o‘g‘li, Sodiqjonov Lochinbek Bahromjon o‘g‘li
Suv resurslarining barqaror rivojlanishga ta’siri: O‘zbekiston, Tojikiston va Ozarbayjon misolida..... **30**
Ashurzoda Luiza Muxtarovna
Oliy ta’lim qamrovining kengayishi va ta’lim sifati o’rtasidagi nisbat..... **42**
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o‘g‘li
Inson kapitali sifatini oshirishning innovatsion iqtisodiyotga ta’sirini baholash..... **51**
Nishanova Zulxayo Bahromovna
Mehnat migrantlari pul o‘tkazmalariga qaramlik va uning O‘zbekiston iqtisodiyotining tarkibiy transformatsiyasiga ta’siri..... **62**
Асқарова Муҳаббат Ибрахимовна
Ёшлар учун рақамли бандлик имкониятлари ёшлар бандлигини таъминлашнинг самарали ечими сифатида..... **79**
Баҳриддинова Муаззам Азам қизи
Ўзбекистонда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларининг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсирини баҳолаш (2026 йил аҳоли рўйхатга олиш натижалари асосида)..... **89**
Гафурова Зебохон Дильшод кизи
Формирование устойчивой модели экономического роста регионов Узбекистана на основе цифровых и экологических инноваций..... **100**
Usmonov Anvar Saidmahmudovich
O‘zbekistonda ichki va tashqi migratsiya jarayonlari transformatsiyasi va uning urbanizatsiya jarayonlariga ta’siri..... **110**
Qilichov Ulug‘bek Rustam o‘g‘li
Yoshlar bandligi va demografik dividend: o'zbekiston mehnat bozoridagi tendensiyalar va ustuvor yo'nalishlar..... **117**
Omanova Kamola Botir qizi
O‘zbekistonda ayollar bandligi va ta’limi bilan tug‘ilish ko‘rsatkichlari o‘rtasidagi bog‘liqlik: hududiy va tarmoq tahlili..... **126**
Hamrokulov Mirabbos Ortiqovich
Demographic trends and their impact on labour market activity in uzbekistan: evidence on the demographic window of opportunity..... **139**
Нуруддинова Адиба Газиевна
Неформальная занятость: масштабы и пути дальнейшей формализации..... **150**

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИНГ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ (2026 ЙИЛ АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИШ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА)

Баҳриддинова Муаззам Азам қизи
ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими
ORCID: 0000-0002-3742-5622

Аннотация. *Мазкур мақолада Ўзбекистонда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларининг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсири 2026 йилги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари асосида баҳоланган. Тадқиқотда аҳоли сони, ёш таркиби, оилалар сони ва оила ҳажми каби демографик кўрсаткичларнинг меҳнат ресурслари шаклланишидаги ўрни таҳлил қилинган. 2026 йилги рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 39 047,3 минг кишини ташкил этиб, унинг 30,4 фоизи 0–14 ёшдаги, 14,9 фоизи 15–24 ёшдаги, 44,6 фоизи 25–59 ёшдаги ва 10,1 фоизи 60 ёш ва ундан юқори аҳолига тўғри келиши аниқланган. Шунингдек, аҳолининг 54,5 фоизи шаҳарларда, 45,5 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилиши қайд этилган. Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ўртача оила ҳажми 4,9 нафар деб қабул қилинганда, мамлакатда қарийб 8 миллионта оила мавжудлиги, ҳар бир оила ҳисобига ўртача 1,49 нафар меҳнат ёшигача бўлган ҳамда 2,92 нафар меҳнат ёшидаги аҳоли тўғри келиши аниқланган. Тадқиқот натижалари аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари, айниқса, туғилиш, оилалар сони, оила ҳажми ва ёш таркиби меҳнат ресурсларининг жорий ҳамда истиқболдаги шаклланишида муҳим демографик омиллар эканлигини кўрсатди. Тадқиқот якунида меҳнат ресурсларини прогнозлашда комплекс демографик ёндашувдан фойдаланиш, аҳоли рўйхатга олиш маълумотлари асосида демографик индикаторлар тизимини шакллантириш ҳамда демографик салоҳиятдан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *аҳолининг такрор барпо бўлиши, меҳнат ресурслари, демографик жараёнлар, туғилиш, оила, оила ҳажми, ёш таркиби, аҳоли рўйхатга олиш, демографик салоҳият, демографик дивиденд, меҳнат бозори, Ўзбекистон.*

ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПРОЦЕССОВ ВОСПРОИЗВОДСТВА НАСЕЛЕНИЯ НА ФОРМИРОВАНИЕ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ОСНОВЕ РЕЗУЛЬТАТОВ ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ 2026 ГОДА)

Бахриддинова Муаззам Азам кизи
Научно-исследовательский центр
“Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ
ORCID: 0000-0002-3742-5622

Аннотация. *В статье оценивается влияние процессов воспроизводства населения на формирование трудовых ресурсов в Узбекистане на основе предварительных результатов переписи населения и сельского хозяйства 2026 года. В исследовании проанализирована роль таких демографических показателей, как численность населения, возрастная структура, количество семей и размер семьи, в формировании трудовых ресурсов. Согласно данным переписи населения 2026 года, численность населения Республики Узбекистан составила 39 047,3 тыс. человек, из которых 30,4% приходится на население в возрасте 0–14 лет, 14,9% — 15–24 лет, 44,6% — 25–59 лет и 10,1% — 60 лет и старше. Также установлено, что 54,5% населения проживает в городах, а 45,5% — в сельской местности. На основе авторских расчетов при среднем размере семьи 4,9 человека определено, что в стране насчитывается около 8 млн семей, при этом на одну семью в среднем приходится 1,49 человека в возрасте до трудоспособного возраста и 2,92 человека трудоспособного возраста. Результаты исследования показывают, что процессы воспроизводства населения, в частности рождаемость, количество семей, размер семьи и возрастная структура населения, являются важными демографическими факторами формирования трудовых ресурсов в текущем и перспективном периодах. В заключительной части исследования разработаны предложения по применению комплексного демографического подхода при прогнозировании трудовых ресурсов, формированию системы демографических индикаторов на основе данных переписи населения и эффективному использованию демографического потенциала страны.*

Ключевые слова: *воспроизводство населения, трудовые ресурсы, демографические процессы, рождаемость, семья, размер семьи, возрастная структура, перепись населения, демографический потенциал, демографический дивиденд, рынок труда, Узбекистан.*

ASSESSING THE IMPACT OF POPULATION REPRODUCTION PROCESSES ON THE

FORMATION OF LABOR RESOURCES IN UZBEKISTAN (BASED ON THE RESULTS OF THE 2026 POPULATION CENSUS)

Bahriddinova Muazzam Azam qizi
Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of Economic Development of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics
ORCID: 0000-0002-3742-5622

Abstract. *This article assesses the impact of population reproduction processes on the formation of labor resources in Uzbekistan based on the preliminary results of the 2026 Population and Agricultural Census. The study analyzes the role of demographic indicators such as population size, age structure, number of families, and family size in the formation of labor resources. According to the 2026 census data, the population of the Republic of Uzbekistan amounted to 39,047.3 thousand people, of whom 30.4% were aged 0–14, 14.9% were aged 15–24, 44.6% were aged 25–59, and 10.1% were aged 60 and above. It was also recorded that 54.5% of the population lived in urban areas, while 45.5% lived in rural areas. Based on the author's calculations, assuming an average family size of 4.9 persons, the country has approximately 8 million families, with an average of 1.49 persons below working age and 2.92 persons of working age per family. The findings demonstrate that population reproduction processes, particularly fertility, the number of families, family size, and age structure, constitute important demographic factors in the current and prospective formation of labor resources. The study concludes with proposals for applying an integrated demographic approach to labor resource forecasting, developing a system of demographic indicators based on population census data, and effectively utilizing the country's demographic potential.*

Keywords: *population reproduction, labor resources, demographic processes, fertility, family, family size, age structure, population census, demographic potential, demographic dividend, labor market, Uzbekistan.*

Кириш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида демографик жараёнларни чуқур ўрганиш, аҳолининг такрор барпо бўлиш хусусиятларини баҳолаш ва уларнинг меҳнат ресурслари

шаклланишига таъсирини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Хусусан, “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–60-сон Фармонида аҳоли бандлигини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат бозорининг самарадорлигини таъминлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган [1]. Шунингдек, “Ўзбекистон–2030” стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–37-сон Фармонида ёшлар бандлигини таъминлаш, малакали кадрлар салоҳиятини ошириш ва меҳнат бозорини замонавий талаблар асосида ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [2].

Мамлакатда демографик ривожланиш суръатларининг юқорилиги меҳнат ресурслари шаклланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш, норасмий бандлик улушини қисқартириш ва иқтисодиёт тармоқларининг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжини илмий асосда баҳолаш зарурати ортиб бормоқда. Бу борада “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–366-сон қарори муҳим аҳамият касб этади [3]. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича қабул қилинаётган давлат дастурлари меҳнат бозорининг сифат жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилмоқда [4].

2026 йилда Ўзбекистон Республикасида ўтказилган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари мамлакатнинг демографик ҳолати ва меҳнат ресурслари салоҳиятини баҳолаш учун муҳим статистик манба ҳисобланади. Рўйхатга олишнинг дастлабки натижаларига кўра, республика аҳолиси сони 39 047,3 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу жорий демографик ҳисоб-китобларга нисбатан 810,6 минг кишига кўп эканлиги аниқланган. Шунингдек, аҳолининг 30,4 фоизи 0–14 ёшдаги, 14,9 фоизи 15–24 ёшдаги, 44,6 фоизи 25–59 ёшдаги ва 10,1 фоизи 60 ёшдан юқори аҳоли гуруҳларига тўғри келади. Мамлакат аҳолисининг 54,5 фоизи шаҳар, 45,5 фоизи эса қишлоқ жойларда истиқомат қилиши қайд этилган. Бу эса Ўзбекистонда демографик салоҳият юқори даражада сақланиб қолаётганлиги ва келгуси йилларда меҳнат бозорига кириб келадиган аҳоли қатлами ҳажмининг ортиб боришини кўрсатади.

Шу муносабат билан, аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни замонавий статистик маълумотлар асосида баҳолаш, демографик омилларнинг меҳнат

бозорига таъсирини аниқлаш ҳамда мазкур жараёнларнинг истиқболдаги ривожланиш тенденцияларини белгилаш муҳим илмий вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур тадқиқот айнан 2026 йилги аҳоли рўйхатга олиш натижалари асосида Ўзбекистонда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларининг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсирини баҳолашга қаратилган.

Адабиётлар шарҳи.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик демография ҳамда меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммонинг назарий асослари хорижий олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган.

Жумладан, Т. Мальтус аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодий ресурслар ўртасидаги нисбатни таҳлил қилиб, аҳоли ўсишининг иқтисодий ривожланишга таъсирини асослаб берган. А. Сови демографик жараёнларнинг меҳнат бозори ва иқтисодий ўсиш билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этган. Г. Беккер инсон капитали назариясини ривожлантириб, аҳоли сифати ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқликни асослаб берган. Д. Блум ва Д. Каннинг эса демографик дивиденд концепцияси орқали аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришларнинг иқтисодий ўсиш ва меҳнат ресурслари шаклланишига таъсирини баҳолаган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан А.Г. Вишневский, Л.Л. Рибаковский, В.М. Медков ва Б.С. Хоревларнинг илмий ишларида аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнлари, миграция, демографик ривожланиш ва меҳнат ресурсларининг шаклланиш хусусиятлари кенг ёритилган. Хусусан, Л.Л. Рибаковский миграция жараёнларининг меҳнат ресурслари ҳажми ва таркибига таъсирини тадқиқ этган бўлса, В.М. Медков демографик жараёнларни баҳолашнинг назарий ва услубий жиҳатларини ишлаб чиққан.

Ўзбекистонлик олимлардан Қ.Х. Абдураҳмонов, Б.Х. Умурзаков, А.А. Қаюмов, Ш.Ш. Шодмонов, М.Р. Болтабоев, О.Б. Ота-Мирзаев, Р.Х. Муртазаева ва бошқаларнинг илмий ишларида аҳоли ривожланиши, меҳнат ресурслари шаклланиши, бандлик ва демографик омилларнинг меҳнат бозорига таъсири масалалари тадқиқ қилинган. Хусусан, Қ.Х. Абдураҳмонов меҳнат иқтисодиёти ва меҳнат бозорини тартибга солишнинг назарий-методологик жиҳатларини асослаб берган бўлса, Б.Х. Умурзаков демографик жараёнлар ва меҳнат ресурслари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни Ўзбекистон шароитида тадқиқ этган. О.Б. Ота-Мирзаев ва Р.Х. Муртазаева аҳоли динамикаси, урбанизация ва демографик ривожланиш масалаларини чуқур ўрганган.

Бироқ мавжуд тадқиқотларда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларининг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсири асосан аҳолининг жорий демографик кўрсаткичлари асосида баҳоланган бўлиб, 2026 йилги аҳоли рўйхатга олиш натижалари асосида мазкур жараёнларни комплекс баҳолаш, меҳнат ресурслари шаклланишининг замонавий демографик хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг истиқболдаги тенденцияларини баҳолаш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Шу жиҳатдан мазкур тадқиқот ушбу илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолашда демографик таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий-статистик таҳлил ҳамда илмий абстракция усулларидан фойдаланилди. Тадқиқотнинг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси аҳол иси ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг 2026 йилги дастлабки натижалари, Миллий статистика қўмитаси маълумотлари ҳамда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этди. Таҳлил жараёнида аҳоли сони, ёш таркиби, оилалар сони ва меҳнат ресурслари кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик баҳоланди, шунингдек муаллиф ҳисоб-китоблари асосида меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик базаси аниқланди. Тадқиқот натижаларини умумлаштиришда таҳлил ва синтез ҳамда мантиқий хулосалаш усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари меҳнат ресурслари шаклланишининг асосий демографик манбаи ҳисобланади. Меҳнат ресурслари ҳажми ва сифати аҳоли сонининг ўсиши, туғилиш даражаси, оилалар таркиби, никоҳ муносабатлари ҳамда аҳолининг ёш таркиби билан бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, меҳнат ресурслари шаклланишини баҳолашда аҳоли сонининг ўзгаришини эмас, балки мазкур ўзгаришларни юзага келтирувчи демографик омилларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

2026 йилги аҳоли рўйхатга олиш натижалари Ўзбекистонда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари барқарор давом этаётганлигини кўрсатади. Бироқ мазкур жараёнларнинг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсирини баҳолашда аҳоли сонининг мутлақ ўсиши билан чекланиб қолиш етарли эмас. Чунки меҳнат ресурслари келгусида меҳнат бозорига кириб келадиган авлодлар ҳисобига шаклланади ва бу жараён биринчи навбатда оила

институти билан белгиланади.

Шу сабабли тадқиқотда меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик асоси сифатида оилалар сони, оила ҳажми, туғилиш жараёнлари ҳамда аҳолининг ёш таркиби ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, оилаларнинг демографик хусусиятлари меҳнат ресурсларининг нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатдан шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, кўп фарзандли ва кўп авлодли оилалар улушининг юқорилиги келгусида меҳнат бозорига кириб келувчи аҳоли сонининг ортишига хизмат қилса, оиладаги таълим ва тарбия муҳити инсон капитали сифатини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

1-жадвал

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланишига таъсир этувчи асосий демографик омиллар

Демографик омил	Меҳнат ресурсларига таъсири
Туғилиш даражаси	Келгусида меҳнат бозорига кириб келувчи аҳоли сонини белгилайди
Оилалар сони	Янги авлодлар шаклланишининг демографик базасини яратади
Оила ҳажми	Меҳнат ресурслари такрор барпо бўлиш интенсивлигини белгилайди
Ёш таркиби	Мавжуд ва истиқболдаги меҳнат ресурслари ҳажмини белгилайди
Никоҳ жараёнлари	Туғилиш ва оила шаклланишининг асосий шарти ҳисобланади
Миграция	Меҳнат ресурсларининг ҳудудий тақсимланишига таъсир кўрсатади

Манба: *муаллиф ишланмаси*

1-жадвалда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланишига таъсир этувчи асосий демографик омиллар тизимлаштирилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, меҳнат ресурсларининг шаклланиши кўп омилли демографик жараён ҳисобланиб, унга туғилиш даражаси, оилалар сони, оила ҳажми, аҳолининг ёш таркиби, никоҳ жараёнлари ва миграция каби омиллар турлича даражада таъсир кўрсатади.

Мазкур омиллар орасида туғилиш даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, у келгусида меҳнат бозорига кириб келадиган аҳоли сонини белгилайди. Бироқ меҳнат ресурсларининг шаклланишини фақат туғилиш кўрсаткичлари орқали баҳолаш етарли эмас. Чунки янги авлодларнинг шаклланиши ва камол топиши биринчи навбатда оила институти билан боғлиқдир. Шу сабабли оилалар сони ва оила ҳажми аҳолининг такрор барпо

бўлиш жараёнларини баҳолашда муҳим демографик мезон сифатида қаралади.

Шунингдек, аҳолининг ёш таркиби меҳнат ресурсларининг жорий ва истиқболдаги ҳажмини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Ёшлар улушининг юқорилиги меҳнат ресурслари захираларининг кенгайишини таъминласа, аҳолининг қариши мазкур жараёнга тескари таъсир кўрсатиши мумкин. Никоҳ жараёнлари эса туғилишнинг ижтимоий-демографик асосини шакллантириб, аҳолининг такрор барпо бўлиш суръатларига бевосита таъсир кўрсатади.

Меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик асосини фақат аҳоли сони эмас, балки аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини белгиловчи оила, туғилиш ва ёш таркиби каби омиллар ташкил этади. Шунинг учун меҳнат ресурсларини баҳолашда комплекс демографик ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистонда оилалар сони ва меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик базасини баҳолаш (2026 йил)

Кўрсаткичлар	Миқдор
Жами аҳоли сони, нафар	39 047 321
Ўртача оила ҳажми, нафар	4,9
Тахминий оилалар сони, та	7 968 841
0–14 ёшдаги аҳоли улуши, %	30,4
Тахминий 0–14 ёшдаги аҳоли сони, нафар	11 870 385
Бир оила ҳисобига тўғри келувчи 0–14 ёшли аҳоли, нафар	1,49
15–59 ёшдаги аҳоли улуши, %	59,5
Тахминий 15–59 ёшли аҳоли сони, нафар	23 233 156
Бир оила ҳисобига тўғри келувчи меҳнат ёшидаги аҳоли, нафар	2,92

Манба: *2026 йил аҳоли рўйхатга олиш маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари*

2-жадвал маълумотлари Ўзбекистонда меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик асосини баҳолаш имконини беради. Муаллиф ҳисоб-китобларига кўра, республикада ўртача оила ҳажми 4,9 нафар деб қабул қилинганда, мамлакатда тахминан 8 миллионга яқин оила мавжуд. Бу эса аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари асосан оила институти орқали амалга ошаётганлигини кўрсатади.

Таҳлил натижаларига кўра, ҳар бир оила ҳисобига ўртача 1,49 нафар меҳнат ёшигача бўлган аҳоли тўғри келади. Мазкур кўрсаткич келгусида меҳнат бозорига кириб келувчи янги меҳнат ресурслари захираси шаклланаётганлигини англатади. Демак, бугунги кундаги ҳар бир оила нафақат аҳолининг такрор барпо бўлиш бирлиги, балки келажакдаги меҳнат ресурсларини шакллантирувчи

асосий демографик институт вазифасини ҳам бажармоқда.

Шу билан бирга, ҳар бир оила ҳисобига ўртача 2,92 нафар меҳнат ёшидаги аҳоли тўғри келиши республикада иқтисодий фаол аҳоли улушининг юқорилигидан далолат беради. Бу ҳолат мамлакат меҳнат бозорида демографик дивиденд имкониятлари сақланиб қолаётганлигини кўрсатади. Бироқ мазкур демографик салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратиш, касбий тайёргарликни такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари оилалар сони ва уларнинг демографик таркиби меҳнат ресурслари шаклланишининг муҳим омили эканлигини тасдиқлайди. Шу сабабли аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини баҳолашда аҳоли сонидан ташқари оила институти билан боғлиқ кўрсаткичларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби ва меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик потенциали (2026 йил)

Ёш гуруҳлари	Аҳоли сони, нафар	Улуши, %
0–14 ёш	11 870 385	30,4
15–24 ёш	5 817 051	14,9
25–59 ёш	17 414 105	44,6
60 ёш ва ундан юқори	3 945 780	10,1
Жами	39 047 321	100,0

Манба: *2026 йил аҳоли рўйхатга олиш маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.*

3-жадвал маълумотлари Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёш аҳоли улуши юқори даражада сақланиб қолаётганлигини кўрсатади. Хусусан, 0–14 ёшли аҳоли 11,9 млн нафарни ёки жами аҳолининг 30,4 фоизини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич мамлакатда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари барқарор давом этаётганлигини ҳамда келгуси йилларда меҳнат бозорига кириб келувчи аҳоли оқими юқори бўлишини англатади.

Шу билан бирга, 15–24 ёшли аҳоли улушининг 14,9 фоизни ташкил қилиши меҳнат бозорига яқин йилларда кириб келадиган ёшлар қатламининг салмоқли эканлигини кўрсатади. Ушбу демографик гуруҳ мамлакатнинг келгуси меҳнат ресурслари захирасини шакллантирувчи асосий қатлам ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 0–24 ёшли аҳоли улуши жами аҳолининг 45,3 фоизини ташкил этмоқда. Бу эса Ўзбекистонда демографик дивиденд имкониятлари ҳали ҳам юқори даражада сақланиб қолаётганлигини англатади. Бошқача айтганда, бугунги ёш авлод келгуси 10–15 йил мобайнида меҳнат ресурсларининг асосий ўсиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари шаклланишининг асосий демографик манбаи аҳолининг юқори туғилиш

даражаси ва ёшлар улушининг катталиги билан изоҳланади. Мавжуд демографик тенденциялар сақланиб қолган тақдирда, мамлакатда меҳнат ресурслари ҳажмининг ўсиши давом этади. Бироқ ушбу демографик салоҳиятдан самарали фойдаланиш инсон капиталини ривожлантириш, таълим сифати ва бандлик сиёсати самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари меҳнат ресурслари шаклланишининг асосий демографик манбаи ҳисобланишини кўрсатди. Аниқланишича, меҳнат ресурслари ҳажми ва таркиби аҳоли сонининг ўсиши билан бир қаторда туғилиш даражаси, оилалар сони, оила ҳажми ва аҳолининг ёш таркиби каби демографик омиллар таъсирида шаклланади.

2026 йилги аҳоли рўйхатга олиш маълумотлари асосида олиб борилган таҳлиллар республикада демографик ўсиш тенденциялари сақланиб қолаётганлигини кўрсатди. Аҳоли таркибида ёшлар улушининг юқорилиги ҳамда ҳар бир оила ҳисобига ўртача 1,49 нафар меҳнат ёшигача бўлган аҳолининг тўғри келиши келгуси йилларда меҳнат бозорига кириб келувчи аҳоли захираларининг етарли даражада шаклланаётганлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот давомида оилалар институти аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларининг муҳим демографик асоси эканлиги аниқланди. Муаллиф ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатда тахминан 8 миллионга яқин оиланинг мавжудлиги меҳнат ресурсларининг узлуксиз шаклланиши учун мустаҳкам демографик базани яратмоқда.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланишини баҳолашда аҳоли сони кўрсаткичлари билан бир қаторда оилалар сони ва оила ҳажми кўрсаткичларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

меҳнат ресурслари прогнозларини ишлаб чиқишда аҳолининг ёш таркиби ва оилаларнинг демографик хусусиятларини ҳисобга олувчи комплекс демографик ёндашувни жорий этиш лозим;

демографик ўсиш суръатлари юқори бўлган ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш ва касбий тайёргарлик тизимини кенгайтириш орқали келгусида меҳнат бозорига кириб келувчи аҳоли оқимини самарали бандлик билан таъминлаш зарур;

аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги ўза ро боғлиқликни мунтазам мониторинг қилиш мақсадида аҳоли рўйхатга олиш маълумотлари асосида махсус демографик-индикаторлар тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ;

инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя чораларини кучайтириш орқали мамлакатнинг демографик дивиденд имкониятларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари меҳнат ресурслари шаклланишининг ҳал қилувчи демографик омили бўлиб, мавжуд демографик салоҳиятдан самарали фойдаланиш меҳнат бозорини ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармони. 2022 йил 28 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон–2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–37-сон Фармони. 2024 йил 21 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–366-сон қарори. 2022 йил 30 август.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–12-сон қарори. 2025 йил 17 январь.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари. – Тошкент, 2026. – 28 б.

6. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2019. – 592 б.

7. Умурзаков Б.Х. Демографик жараёнлар ва меҳнат ресурслари ривожланиши. – Тошкент: IQTISODIYOT, 2021. – 284 б.

8. Ота-Мирзаев О.Б. Демография асослари. – Тошкент: Университет, 2018. – 356..

9. Медков В.М. Демография: учебник. – Москва: ИНФРА-М, 2023. – 680 с.

10. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения: теория и практика. – Москва: Юрайт, 2021. – 480 с.

11. Becker G.S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis with Special Reference to Education. – Chicago: University of Chicago Press, 1993. – 412 p.

12. Bloom D.E., Canning D. Demographic Dividend: A New Perspective on the Economic Consequences of Population Change. – Santa Monica: RAND Corporation, 2003. – 112 p.

13. Malthus T.R. An Essay on the Principle of Population. – Oxford: Oxford University Press, 1999. – 320 p.

14. Sauvy A. General Theory of Population. – New York: Basic Books, 1969. – 540 p.

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

BOSH MUHARRIR:
Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:
Bahriddinova Muazzam Azam qizi